

## **БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Собирова Ойгул Алимовна  
Самарқанд давлат университети  
Мусиқа таълими 1 босқич магистри  
+ 998 94 284 47 65**

Ҳозирги жараёнда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хуносалар чиқариш амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Маънавият - инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кувватидир". Дарҳақиқат, ижтимоий-иктисодий тараққиётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар маънавий, маърифий, мафкуравий, касбий жиҳатдан мутлоқо янги замонавий кишисини шакллантиришни тақозо этади. Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона, тарихий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий рухда тарбиялаш ҳамда, ижобий инсоний фазилатларга эга бўлган касб соҳибларини тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда республика хукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, қадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланиш, таълим тизимида «Устоз-шогирд» анъаналаридан фойдаланиш масаласига катта аҳамият берилмоқда.

Ушбу олий мақсадларни ҳаётга жорий этиш соҳасида республикамиизда турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Республикаизда 1991, 1995 ва 1999 йиллари ўтказилган мақом ижрочиларининг Юнус Ражабий номидаги республика танловлари, 1992 йили ўтказилган Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Сайджон Калонов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиков асарлари ижрочиларининг "Боқий овозлар" катта ашула ва достончи-бахшиларнинг кўрик-танловлари, "Асрлар навоси" ёш анъанавий ижрочилар танловларининг ўтказилиши катта эътиборга молик ютуқлар натижасидир.

Айниқса, 1997 йилдан бошлаб кўхна Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказилиши анъанага айланган "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки жаҳоншумул аҳамиятга эга санъат байрамига айланди. Ушбу байрамнинг дикқатга сазовор томони шундаки, Шарқ мамлакатларидан ташқари Франция, Польша,

Германия, АҚШ, Англия каби Европа ва бошқа қитъалардан ташриф буюрган машхур ва таниқли мусиқа санъати намояндалари иштирок этган мазкур байрамона тадбир боис қадимий ва муштарак анъаналар ўзаро янада яқинлашди, ижодий ҳамкорликка кенг йўл очилди, қолаверса, жаҳон халқлари ўртасида тинчлик, барқарорлик, ҳамжиҳатлик ўрнатиш ишига салмоқли ҳисса қўшилди.

Маълумки, мусиқий меросимизнинг энг салобатли, энг сермаҳсул ва энг ардоқли қисмини мақом ижодиёти ташкил этади. Унинг таркибига турли даврларда бастакорлар томонидан ижод этилган ҳар хил ҳажмли, туркумли ва алоҳида-алоҳида, шаклан ва мазмунан мукаммал чолғу ҳамда айтим намуналари кирган. Мумтоз мусиқий меъросимиз ўзига хос мукаммал шаклланган мактаблар ва юксак маҳоратга эга устоз санъаткорларга бой. Бугунги кунда мақомнинг уч тури Бухоро мақомлари, Хоразм мақомлари ва Фарғона - Тошкент мақом йўллари мусиқа амалиётида жорий бўлиб келмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, жонли жараён билан йўғрилган мақомчилик анъаналари, бастакорлик (ижодкорлик) ва ижрочилик санъати билан бевосита боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон халқ ҳофизи, бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев ўз фаол ижодкорлиги орқали анъанавий услубда мавжуд намуналарни қайта ишлаш, овоз ёки созларга мослаштириш билан кифояланмай, балки, янада жиддийроқ янгиликларни кашф этиш мумкинлигини тўла исботлашга муваффақ бўлди. Ҳофиз 1994 — 97 йилларда бизгача муайян шаклда етиб келган "Мискин", "Насруллойи", "Муножот" сингари ардоқли чолғу ва ашула туркумларини қимматли тўлдиришлар билан қайта ишлади. Забардаст устози Умурзоқ Полвон Сайдалиевдан кўп эшитиб ўзлаштириб олган "Қадимги ушшоқ", "Зикри ушшоқ", "Умурзоқ Полвон ушшоғи" каби ноёб мақом намуналарини садоларда жонлантириди ва шогирдларига ўргатди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи, атоқли созанда ва бастакор Орифхон Хотамов "Ушшоқ", "Гиря" туркумларини янги ашула йўллари билан бойитди. Бунинг натижасида ҳозирги замон бастакорлигида асл анъанавий мусиқий тафаккур йўлида ҳам янги-янги ноёб асарлар яратиш мумкинлиги амалда исботланди.

Мақомларда мужассам бўлган маънавий-бадиий гўзалликларни жонли жараёнда намоён этиш ва уларни тингловчига етказиб беришда ижрочилик санъати қарийб ҳал қилувчи аҳамият касб этиши маълум. Бинобарин, қадимий ва доимо навқирон мақомларнинг асрлар оша ҳаёти ва ривожи, шубҳасиз устоз-ҳофиз ва созандаларнинг юксак ижрочилик маҳорати билан ҳам узвий боғлиқдир.

Демак, мусиқа илм сифатида жуда қадим замонлардан буён авлод-аждодларимиз томонидан чуқур ўрганилган ва бизгача ажойиб китоблар, рисолалар, асарлар каби кўринишда етиб келган.

Юқорида биз мусиқани қадимий илм соҳаси сифатида кўриб чиқдик. Энди мусиканинг тарбиявий томонлари ва тарбия воситаси сифатларига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз.

Яқинда телевидение орқали сувнинг хоссаси ва хислатлари, хусусиятларига оид илмий тадқиқотларга асосланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Унда майин, сокин, ёруғ кайфият берувчи мусиқий оҳанглар билан шовқин ё бўғиқ товушда ижро этилган куйларни бир хил идишдаги, бир жойдан олинган, бир хил миқдордаги сувга таъсири кўрсатилди. Мазкур тажрибага кўра, майин, ёқимли оҳангларни “Эшитган” сув кристаллари гулсимон гўзal бирикма ҳосил қилган бўлса, иккинчиси шовқин ва бадбин оҳанглардан қорайиб, бужмайиб, жуда хунук манзара касб этди. Қарангки, ҳатто сувга шунчалик таъсир кўрсатган мусиқа, танасининг асосий қисми сувдан иборат бўлган инсонга, хусусан, унинг тарбиясига қандай таъсир кўрсатар экан.

Мусиқа жонсиз танага жон, руҳсиз вужудга руҳ бағишлагани ҳақида Шарқу Ғарб илми, адабиётда фаразлар, афсонаю ривоятлар жуда кўп. Аксарият мутахассислар мусиқанинг яратилиши инсон зоти пайдо бўлиб, табиат ҳодисаларига, ҳайвонларга тақлидан, ё илк бор кулиб ёхуд йиғлаганда чиқарган ун-товушларга боғлаб изоҳлайдилар. Аждодларимиз мусиқани шифо, нажот деб билганлар.

Ҳозирги даврда таълим соҳасига Мустақиллик, Наврӯз ва бошқа байрамлар муносабати билан миллий тарбия руҳидаги куй-қўшиқлар яратища ижодий-бадиий савия ошиб бормоқда. Бу Ватан, ҳалқ, истиқолол, она-юрт, одамийлик, меҳр-оқибат, дўстлик, муҳаббат мавзуларидаги ўнлаб тарбиявий аҳамиятга эга гўзal куй-қўшиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ўсиб келаётган баркамол авлодларга миллий қадриятимиз бўлган мумтоз куй-қўшиқларни Шарқ мумтоз мусиқаси билан муштараклигини ўрганишига алоҳида эътибор қаратишимиз лозимdir.

Ҳозирги кунда Республикаизда 300 дан ортиқ болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 20 дан зиёд мусиқа, маданият ва санъат коллеж ва лицейлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институтларида ҳам бу жараён давом этиб келмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида бундай куй-қўшиқларнинг ижодкорларини ва ижрочиларини тарбиялаш биз мутахассисларнинг асосий вазифамиздир. Зеро, келажак авлод комил инсонларини тарбиялашда мусиқа энг таъсирли кучга эга бўлган муҳим омилdir.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. «Юксак маънавият енгилмас куч» иккинчи нашр. Тошкент.: «Маънавият»., 2016 й.
2. Матёқубов О. «Мақомот»., Тошкент.: 2004 йил
3. Ризаев Ш. “Кўнгил қуввати-хушнавоздин...” мақоласи “Халқ сўзи газетаси” 2009 йил 31 октябрь сони.